

МУАССИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛДІМДЕҢДИРИҮ



Илимий-методикалық журнал

2023

2-сан

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы гүйалық берилген.*

Нөкис

2-сан 2023

март-апрель

Шөлкемлестириүшилдер:

**Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендіриў Министрлигі,
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы**

**Редактор:
А. Тилегенов**

Редколлегия ағзалары:

| | |
|------------------------|-----------------------|
| Мақсет АЙЫМБЕТОВ | Сабит НУРЖАНОВ |
| Нағмет АЙЫМБЕТОВ | Уролбой МИРСАНОВ |
| Байрамбай ОТЕМУРАТОВ | Нуржан МАТЧАНОВ |
| Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ | Шукурилло МАРДОНОВ |
| Алишер АЛЛАМУРАТОВ | Бахтиёр РАХИМОВ |
| Дилшодхұјжа АЙТБАЕВ | Арзы ПАЗЫЛОВ |
| Тұлқин АЛЛАЁРОВ | Барлықбай ПРЕНОВ |
| Умида БАХАДИРОВА | Қаххор ТУРСУНОВ |
| Фархад БАБАШЕВ | Нурзода ТОШЕВА |
| Гулзода БОЙМУРОДОВА | Тажибай УТЕБАЕВ |
| Маманазар ДЖУМАЕВ | Амангелди КАМАЛОВ |
| Асқар ДЖУМАШЕВ | Ризамат ШОДИЕВ |
| Гүлнара ЖУМАШЕВА | Зафар ЧОРШАНБИЕВ |
| Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ | Дүстназар ХИММАТАЛИЕВ |
| Умида ИБРАГИМОВА | Гулрухсөр ЭРГАШЕВА |
| Меруерт ПАЗЫЛОВА | Гавхар ЭЩАНОВА |
| Асқарбай НИЯЗОВ | |

| | |
|--|-----|
| Abdunabiyeva F. Shaxsga yo'naltirilgan yondashuv asosida maktabgacha yoshdagи bolalarning intelektual qobiliyatlarini rivojlantirish metodikasi | 316 |
| Ro'ziqulova Sh. T. Matematika darslarida kreativlik imkoniyatlari va ularning tarkibiy asoslari | 323 |
| Xaitova N. F. Geymifikatsiya tushunchasi, tarixi va uning ta'lim jarayonidagi roli | 327 |
| Boltayeva B., Axmedova M. Kreativ fikrlash ko'nikmasini shakllantirishda shaxsiy fikr omili | 333 |
| Raxmatova G. T. Maktabgacha yoshdgi bolalarga ta'sviriyl faoliyat vositasida kombinotsion qabiliyatlarini rivojlantirishning zaruriyati | 338 |
| Umarova M. I. Qoidalı o'yinlar asosida bolalarning jismoniy va ruhiy rivojlanish uyg'unligini ta'minlash metodikasini takomillashtirish | 343 |
| Қайнарова И. В. Бошлангич синф ўқувчиларнинг ijodiy қобилияtlarini rivожлантириш | 353 |
| Bozorboyeva M. Sh. Maktabgacha yoshdagи bolalarda chet tillarida nutq faolligini rivojlantirish | 359 |

ТАСВИРИЙ САЪНАТ

| | |
|---|-----|
| Toshpulatov F. U. Bo'lajak chizmachilik o'qituvchilarning estetik ko'nikmalarini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish | 364 |
|---|-----|

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

| | |
|---|-----|
| Danieva Y. Ch., Shodmonova S. Ch. Talaba qizlar jismoniy tarbiyasida harakatli o'yinlarni qo'llashning metodologik asoslari | 371 |
| G'ofurov A. U. Bo'lajak jismoniy tarbiya fani o'qituvchilarining sport turizmiga doir bilimlarini rivojlantirishga qaratilgan pedagogik jarayonning mazmuni | 375 |
| Одилов О. Н. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида ташкилотчилик компетенциясини rivожлантиришнинг назарий асослари | 387 |
| Nurmatov F. A. O'smirlarning sog'ligiga ongli munosabatini shakllantirishning psixologik xususiyatlari | 393 |
| Sultonov A. I Belbog'li kurashni o'rgatishning nazariy omillari | 397 |
| Исматов А. Ўқувчилар руҳиятидаги салбий ўзгаришлар ва уни жисмоний таълимда бартараф этиш вазифалари | 400 |
| Radjapov U. R., Maximudova M. Q. Maktab o'quvchilariga gimnastika mashg'ulotlarini o'rgatishning assosiy metodik tamoyillari | 406 |
| Xusanov Z. Z. Maktab voleybol jamoasining texnik va taktik tayyorgarligni oshirishda klaster metodi orqali yondashuvining tutgan o'rni | 412 |
| Одилов О. Н. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида ташкилотчилик қобилияtlarini rivожлантириш | 415 |
| Radjapov U. R., Jo'rayeva Sh. Gandbol sport turi bilan shug'ullanuvchi maktab o'quvchilarining umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlikalrini rivojlantirishning pedagogik ahamiyati | 420 |
| Ismoilova A., Abdikamalov Kh. The process of teaching volleyball to central asian students with the help of interactive technologies | 428 |

ҚУТЛЫҚЛАЎ

| | |
|---|-----|
| Бегдулла Султанов Мудамы изленистеги устаз | 433 |
|---|-----|



БҮЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ТАШКИЛОТЧИЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Одилов О. Н.

үқитувчи,

“Жисмоний маданият методикаси” кафедраси

Чирчиқ давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: ташкилотчилик компетенцияси, педагогик муаммолар, профессионал ёндашув, жисмоний билимлар, ҳамкорлик.

Ключевые слова: организаторская компетентность, педагогические проблемы, профессиональный подход, физические знания, сотрудничество.

Key words: organizational competence, pedagogical problems, professional approach, physical knowledge, cooperation.

Жаҳон миқёсида олий таълим тизимини ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт таълими мазмуни ва унга қўйиладиган талабларни мукаммаллаштириш, педагог ва таълим олувчилар муносабатлари самардорлигини ошириш, педагогик муаммоларни ҳал қила оладиган ҳолатда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси ўз касбига профессионал ёндашиб, ташкилотчилик компетенциясини ривожлантирган ҳолатда амалий кўникмаларини ва таълим жараёнида ташкилотчилик компетентлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. *Жаҳон жисмоний тарбия таълимида ташкилотчилик компетенциясига оид билимларни фанлар мазмунига сингдириси, ташкилотчилик маданиятини оммавий ахборот воситалари орқали шакллантириб бориши, замонавий жисмоний билимларни таркиб топтишини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчиларнинг ташкилотчилик компетенциясига оид билимларини ривожлантириши шакл, усул ва воситаларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.* Жаҳон тажрибасида жисмоний тарбия фанига шунчаки машгулот ўtkазиш эмас, балки бутун бошли тизим сифатида қаралгани боис бу фанга муайян талаблар қўйилади.

Халқаро ва ижтимоий ҳамкорликларни кенгайтиши, фан доирасида ва техника, таълим, маданият, согликни сақлаш ва туризм соҳаларидағи



алоқаларни ривожлантириши учун бор имкониятларни ишга солиш, илмий ва жисмоний-тадқиқот муассасалари ўртасидаги алоқаларни ўзаро кенгайтириши бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириши мақсадида, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришига қарашилган устувор йўналишларни белгилаш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ташкилотчилик компетенциясини ривожлантириши концепциялари етакчи дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ишларини замонавий таълим технологиялари асосида ташкил килиш, ташкилотчилик компетенциясига оид устувор йўналишларни такомиллаштириш, таълим жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ташкилотчилик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [2, 14] мазмунидаги фикрларидан ёшларга оид давлат сиёсатининг нақадар устувор эканлигини ҳамда олий таълимда педагогик жараён самарадорлигини ошириш, хусусан, бўлажак ўқитувчиларнинг сифатли таълим олиши муҳим аҳамият касб этишини қўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгacha ривожлантириши концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури” мазкур фаолиятга тегишили вазифаларнинг ижросини таъминлашда хизмат қиласи [3].

Таълим муҳитида ташкилотчилик компетенциясини ривожлантириши усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиши, олий таълимда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ташкилотчилик компетенциясини



ривожлантириши бүйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Мактаб таълим тизимида ўқитувчиларнинг ташкилотчилик компетенциясини ривожлантириш асослари Р.Жураев, Р.Сафарова, У.Толипов, Г.Давлетшин, Р.Сафарова, Ф.Шарипов, Д.Шарипова, Н.Муслимов илмий тадқиқот ишларида, В.Караев, Д.Хўжамбердиева, Ж.А.Ахмедов, А.Кенжабоевлар томонидан бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ташкилотчилик компетенциясини ривожлантириш тадқиқ этилган.

Ҳар томонлама баркамол, жисмонан ва руҳан соглом инсонни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Республика раҳбарияти Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлиб диққат-эътиборини ёш авлод тарбиясига қаратиб келаётганлиги диққатга сазовор. Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилинishiши, уларни хаётга тадбик этиши йўл-йўриқларини ишлаб чиққанлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг маънавий ва жисмонан соглом ёш авлодларини, бўлажак ватанпарварларини тарбиялаш вазифаси пировард натижада ўқитувчиларнинг зиммасига тушади. Уларда ташкилотчилик қобилияtlари компетенциявий талаблар асосида шаклланган, нафақат билимдон, балки, энг аввало, ана шу билимни эгаллашни ўзининг бурчи деб билувчи Миллий кадрларни шакллантиришига масъулдирлар. Миллий истиқлол мафкураси асосида ёшларимизни тарбиялаш республикамиз мактаблари олдида турган долзарб вазифаларидан биридир.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида ижодий, ностандарт фикрлайдиган, фан ва ишлаб чиқишида янги усулларни топа оладиган соғлом ва профессионал мутахассисларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ёшларга таълим тарбия бериш ишларини тубдан ислоҳ қилиш масаласи қўйилган [1]. Жумладан, унда: “инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги шахс манафаатларини рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир” деб таъкидланган. Шунингдек, ушбу қонунлар замирида эса юксак аҳлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, маданиятли, эътиқодли, маърифий ва маънавий жихатдан баркамол, мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялаш каби вазифалар белгиланган.



Ташкилий ишлар ҳамда ёшлар тарбияси ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил давлат сиёсатининг амалий ифодаси ҳисобланади. Услубий кўрсатмалар сифатида таълим сифатини лойиҳалашнинг дидактик параметрларини ишлаб чиқишга оид фаол ёндашувлар, уларнинг асосий қоидалари сифатида ишлатилади. Ушбу ташкилотчилик асосидаги ёндашувларнинг бирлаштирилиши лойиҳалаштиришнинг моҳиятини атроф-муҳит ва шахсни ўзгартирадиган фаолият сифатида кўриб чиқишга имкон берди. Шу ўринда бўлажак педагогнинг иш фаолияти негизи ўқувчиларга таълим-тарбия беришда ақл-заковати, билими ва ташкилотчи ўқитувчи бўлишини талаб этади. Бугунги кун ёшларининг замон талаблари асосида жадал ривожланиши ва ўсишини ҳисобга олсак, бу тушунчанинг ва бу тушунча омиллари мазмунини теран англашимизга тўғри келади. Таълим, энг аввало, ўқитиши жараёнининг нисбий натижаси бўлиб, у ўқувчиларда шаклланган билимлар, кўникма ва малакалар тизимида ифодаланади, шунингдек, таълим, тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш, таъсир кўрсатиш жараёни, яъни инсон маънавий қиёфасининг шаклланиш жараёни; бунда энг асосийси ўзлаштирилган билимлар ҳажми эмас, балки билимларнинг шахсий сифатлар билан уйғунлашиши, ўз билимларидан мустақил фойдалана билиш муҳимдир [5, 65-67].

Таълим – бу мураккаб динамик, ўз-ўзини тартибга солиб турувчи, кўп даражали, ўзига хос ривожланиш омилларига эга бўлган яхлит тизим бўлиб, у кўп тусдаги, атроф-муҳит билан маълум бир ўзаро муносабатларда бўладиган, ўзаро боғланган функцияларни амалга оширади. Мана шундай мураккаб тизимни башорат қилишда башоратлаш шаклларини қўллаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари тадқиқ қилинаётган обьектнинг мажмуавий англанишидадир. Улар таълимни тадқиқ қилишда тизимли таҳлилнинг барча талабларидан фойдаланишга, элементларнинг иерархиклилигини ва уларнинг ўзаро бир-бирига алоқадорлигини топишга, функционал боғлиқликларини кўриб чиқишга имкон беради.

“Таълим сифати – бу ҳар бир босқичда режалаштирилган мақсадларга мувофиқ эришилган аниқ белгиланган таълим даражаси; бу ўқув жараёни иштирокчиларининг амалга оширилаётган таълим хизматларидан қониқиши кўрсаткичидир. Талаблар таълимнинг давлат таълим стандартларида белгиланган, шунинг учун профессор В.И.Андреев таълим сифатини “жараённинг юқори даражаси ва таълим натижаларини акс эттирувчи белгилар ва кўрсаткичларнинг ажралмас хусусияти” сифатида белгилайди ва



у таълим стандартлари талабларига мажбурий риоя қилинишини таъкидлайди [4, 567].

Шу нүктаи назардан олиб қаралганда, ташкилот - лотинча “organizo” – “биргаликда”, “нозик кўриниш”, “тартибга солиш”. Ташкилот (жараён сифатида) бутуннинг қисмлари ўртасидаги муносабатларни таъминлайдиган ҳаракатлар мажмуи сифатида тушунилади.

Луғатимизда **ташкилотчилик** сўзларига: бирор жамоада, иш-ҳаракат йўналишида, ижтимоий гурӯх ёки мусобақаларда ташкил этиш, уюштириш ва йўналтириш; Қобилият эса шахснинг физиологик ва психологик хусусияти, такомиллашган моҳирлик даражаси, деб таъриф берилган. Ташкилотчилик-бошқарув фаолияти субъектлараро муносабатни ифодалайди [7, 107-111].

“Ташкилотчилик қобилияти” нафақат бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси, балки, барча педагогларга зарур бўлган хусусиятлардан бири деб ҳисоблаймиз. Демак, бу тушунчага кенг маънода таъриф берадиган бўлсак:

Ташкилотчилик қобилияти - фаолияти давомида ўқувчилар жамоасини уюштириш, ўрганиш. Уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий ва таълимий жараёнларни олиб бориши, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришдир [6, 11-14].

Соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спорт - ижтимоий “фено-менлар” бўлиб келмоқда, бирлаштирувчи қуч ва миллий ғояга айланиб, кучли давлат ва соғлом жамият ривожига ҳисса қўшмоқда. Шунга қўра, жамият ва унинг аъзоларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасига хизмат кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлаш сифатига, уларнинг касбий малакаси даражасига бўлган талаблари ортиб бормоқда. Шахсга йўналтирилган таълимга мурожаат қилиш педагогик таълимнинг янги мақсади, шу жумладан жисмоний тарбия пайдо бўлишини белгилайди. Агар илгари ўқитувчини тайёрлашнинг асосий мақсади технологик ўсиш бўлса, бугунги кунда унинг шахсий ривожланишига йўналтириш, бу ўз-ўзини ташкил этиш ва фаолият ҳамда шахсий тажрибани умумлаштириш натижасидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти Қонуни 2020 йил 23 сентябрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2016. - 14 б.



3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947, 07.02.2017 й. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

4. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития:

Инновационный курс / В.И. Андреев. - Казань: Изд-во КГУ, 1996. - 567 с

5. Муслимов Н.А. Мутахассиснинг касбий шаклланишида масофавий таълимдан фойдаланиш ўйлари // Ж. Infocom.Uz. -2004. -№ 5. - Б. 60-62.

6. Карпушин Б.А. Педагогика и профессиональная подготовка студентов вузов физической культуры // Теория и практика физической культуры. -2001, - № 10. - С. 11-14.

7. Колодезникова С.И. Научно-методические основы формирования управленческой компетентности будущего специалиста по физической культуре и спорту/ С.И. Колодезникова // Сибирский педагогический журнал. – 2013. № 2. С.107-111.

РЕЗЮМЕ

Олий таълимда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ташкилотчилик компетенцияси ни ривожлантириш бугунги қунда долзарб масаладир. Ушбу мақолада таълим-тарбия жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ташкилотчилик компетенциясини ривожлантиришнинг назарий асослари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Развитие организаторской компетентности будущих учителей физической культуры в высшей школе является актуальной проблемой на сегодняшний день. В данной статье рассмотрены теоретические основы развития организационной компетентности учителей физической культуры в образовательном процессе.

SUMMARY

Formation of organizational competence of future teachers of physical culture in higher education is an urgent problem today. This article discusses the theoretical foundations of the formation of organizational competence of physical education teachers in the educational process.